



**ХУДУДНИНГ НОТЕКИС ИЖТИМОЙ-ИҚТІСОДИЙ  
РИВОЖЛАНИШИНІ БАҲОЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ  
(Сурхондарё вилояти Денов тумани мисолида)**

doi:[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss6/a78](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a78)

**Саттаров Санжар Абдумуродович -**  
Термиз давлат университети  
мустақил тадқиқотчиси

**Аннотация.** Мақолада ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини баҳолашнинг замонавий ёндашувлари ҳақида фикр билдирилган. Унда ҳудудларнинг ривожланиши даражасини объектив баҳолашга замонавий воқеликда лойиҳавий ёндашувларни фаол ривожлантириши доирасида ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришининг асосий самарали бошқаруви бўлиши кераклиги Сурхондарё вилояти Денов тумани мисолида кўрсатиб ўтилган.

Мақолада ҳудуднинг нотекис ижтимоий-иктисодий ривожланишини баҳолашга ёндашувларни ишлаб чиқиша манбаатдор томонларнинг потенциал фойдаланувчи ва баҳолаш натижаларининг амалдаги мижозлари сифатидаги эҳтиёжлари устуворлик берилиши, ҳудуднинг динамикаси ва ривожланиши даражасини сифат жиҳатидан баҳолаш замонавий воқеликда лойиҳавий ёндашувларни фаол ривожлантириши доирасида ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришининг асосий самарали бошқаруви бўлиши хуолосаланган.

**Асосий тушунчалар:** ҳудуд, ижтимоий-иктисодий ривожланиш, баҳолаш, Сурхондарё вилояти, Денов тумани, ривожланиши даражаси, баҳолаш назарияси, нотекис ижтимоий-иктисодий ривожланиш, ҳудуд динамикаси.

**НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ОЦЕНКИ НЕРАВНОМЕРНОСТИ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ТЕРРИТОРИИ (На примере Деновского района Сурхандарьинской области)**

**Саттаров Санжар Абдумуродович -**  
Исследователь Термезского  
государственного университета

**Аннотация.** В статье высказывается мнение о современных подходах к оценке социально-экономического развития регионов. В ней на примере Деновского района Сурхандарьинской области показано, что в рамках активной разработки проектных подходов к объективной оценке уровня развития регионов должно осуществляться главное эффективное управление развитием региональной экономики.

В статье делается вывод о том, что при разработке подходов к оценке неравномерности социально-экономического развития территории приоритет должны отдаваться потребностям заинтересованных сторон как потенциальных пользователей и реальных заказчиков результатов оценки, качественная оценка динамика территории и уровень развития в современных реалиях будет основным эффективным управлением развитием экономики территории в рамках активного развития проектных подходов.

**Ключевые слова:** территория, социально-экономическое развитие, оценка, Сурхандарьинская область, Деновский район, уровень развития, теория оценки, неравномерность социально-экономического развития, динамика территории.

**SOME ISSUES OF ASSESSING THE UNEVEN SOCIAL-ECONOMIC DEVELOPMENT OF THE AREA  
(In the example of Denov district of Surkhandarya region)**

**Sattarov Sanjar Abdumurodovich -**  
Independent researcher of Termiz State University

**Abstract.** The article expresses an opinion about modern approaches to the assessment of socio-economic development of regions. In it, it was shown on the example of Denov district of Surkhandarya region that within the framework of active development of project approaches to the objective assessment of the level of development of regions, the main effective management of regional economy development should be carried out.

In the article, it is concluded that in the development of approaches to the evaluation of the uneven socio-economic development of the territory, the needs of the interested parties as potential users and actual customers of the assessment results should be prioritized, qualitative assessment of the dynamics of the territory and the level of development will be the main effective management of the development of the economy of the territory within the framework of the active development of project approaches in modern reality.

**Basic concepts:** territory, socio-economic development, assessment, Surkhandarya region, Denov district, level of development, theory of assessment, uneven socio-economic development, dynamics of the territory.

**Кириш.** Бугунги кунда ҳудудларни барқа-рор ва жадал ривожлантириш учун уларнинг комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иктисодий ривожланиши, табиий хомашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, иқтисодий ва

инвестициявий салоҳияти, шунингдек, ҳудудларнинг бошқа қиёсий устунликларини баҳолаш мамлакат иқтисодий тармоғининг устувор вазифаларидан бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий йўна-

лишлари макроиктисодий мувозанат ва ахолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, оқиона инвестицион сиёсатни юритиш ҳамда барқарор иқтисодий ўсишга эришиш ҳисобланади.

Худуд иқтисодиёти фаолият юритишининг ижтимоий-иктисодий шароитларини баҳолаш, биринчи навбатда, унинг иқтисодий ривожланиш имкониятларини ўрганиш мақсадида амалга оширилиши керак. Иккинчидан, худуд шароитларининг мавжуд фарқларини аниқлаш; учинчидан, потенциалнинг ҳудуднинг ижтимоий-иктисодий ривожланишига таъсир дараҷасини асослаш лозим [1]. Худуд иқтисодиётиning ишлаб чиқариш салоҳиятини тўғридан-тўғри қўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг саноат ҳамда ишлаб чиқариш тузилмасини шакллантириш шартлари ташкилотнинг самарали ривожланишидан комплекс манбаатдорлик қобилияти билан белгиланади [2].

Минтақа нотекис ижтимоий-иктисодий ривожланиши даражасини кўп омилли индекс усулини такомиллаштириш асосида баҳолаш услубиётини амалиётда қўллаш натижасида мамлакатимиздаги иқтисодий зоналарнинг фаолиятига баҳо бериб бориш лозим.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Худуд иқтисодиёти фаолият юритишининг ижтимоий-иктисодий шароитларини баҳолашни тартиб солиш ва бошқариш бўйича иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан ўз тадқиқотларида фикр ва муҳозалари келтириб ўтилган. Улар томонидан ҳудуд иқтисодиётининг ижтимоий-иктисодий шароитларини баҳолаш, мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва уларнинг салбий ва ижобий жиҳатлари ўз даврларидаги мавжуд ҳолатлар бўйича кўрсатиб ўтилган.

Леонтьевнинг миллий кириш-чиқиш моделлаштириш [3] бўйича дастлабки ишидан сўнг, Исард умумий минтақалараро кириш-чиқиш моделини шакллантириди [4]. Бироқ ушбу модель 1950 йилларда ишлаб чиқилган бўлса-да, у ҳали ҳам кенг қўлланилмаган. Леонтьев моделини минтақавий кириш-чиқиш модели сифатида тўғридан-тўғри қайта шакллантириб, катта муваффақиятларга эришди.

У турли мамлакатларда барча географик даражаларда қўлланилган, кўпинча импорт, экспорт ва истеъмол функцияларининг мустақил эконометрик баҳолари билан тўлдирилади. Фазовий умумий мувозанат моделлари назариярининг йўқлиги ва уларни қўллаб-кувватлаш ёки рад этиш учун статистик маълумотларнинг этишмаслиги туфайли ундан жуда кам фойдаланилди. Ушбу муаммони бартараф этиш учун Lefever фазовий умумий мувозанат моделини ишлаб чиқди, аммо транспорт секторига нисбатан олиб борилган қисқача муносабатда маълум даражада муаммоларга олиб келди[5].

Коопmans ва Beckmann томонидан амалга оширилган жойлашувнинг назарий таҳлили [6], шунингдек, Hotelling томонидан олиб борилган классик тадқиқотлар бозор мувозанатининг кўп минтақавий тизимда, ҳатто, назарий жиҳатдан ҳам сақланиб қолмаслигининг турли сабаблари ни таклиф қиласди [7].

Ушбу моделларни ўрганишда Коопmans ва Beckmann баъзи омилларнинг бўлинмаслигини ажратиб кўрсатсалар, Hotelling эса омиллар сонининг камлигини таъкидлайди. Гарчи, бу иккала натижалар сўнгги тадқиқотларда шубҳа остига олинган бўлса-да, ҳудудлароро ривожланишнинг амалий умумий мувозанат моделлари сифатида тан олинади. Бироқ сўнгги пайтларда олиб борилган тадқиқотлар шундан далолат беради, кўплаб эконометрик ҳудудий моделлар мувозанат тушунчаларига таянади.

Амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий-назарий изланишларга қарамасдан, айнан бугунги глобаллашув ва демократик бозор ислоҳотлари шароитида ижтимоий-иктисодий ривожланиши ва истиқболларини баҳолашни кенг қамровли статистик таҳлил қилишни такомиллаштириш, унга таъсир қилиувчи омилларни статистик моделлар асосида баҳолашга қаратилган масалалар тизимли ҳолда ёритиб берилмаган, тадқиқот объекти сифатида тўлақонли ўрганилмаган.

Умуман олганда, бир хил математик назариялар турли иқтисодий тизимларда қўлланилмаган. Фарбий иқтисодий режалаштирувчилар дастурлаш моделларини фақат режалаштирилган иқтисодларга таалуқли деб ва бунда шарқий иқтисодий режалаштирувчилар эса соя-нарх тизимини ҳақиқий эмас, деб ҳисоблайдилар. Кўп минтақавий режалаштириш моделлари J.Tinbergen [8] ва Aganbegyan, Bagrinovski ҳамда Granberg томонидан ишлаб чиқилган[9]. Тинберген тизими тармоқ минтақалараро ва маҳаллий даражаларга эга иерархик тизимга асосланган бўлиб, ҳудудий ривожланишни режалаштириш ҳам ушбу учта даражада амалга оширилиши ва ҳар бир даражага мос келадиган режалаштириш моделларидан кетма-кет фойдаланиш керак, деб тахмин қилинган.

J.Tinbergen моделлари кенг қамровли асосида ўрнатилган бўлса-да, улар ҳали ҳам чизиқли моделлар томонидан харажатларни минималлаштиришга асосланган эди. Улардан кейин асосий мақсад сифатида транспорт ва/ёки инвестиция харажатларини минималлаштириш билан бир қатор бошқа режалаштириш моделлари пайдо бўлди.

Сўнгги йигирма йил ичидаги ҳудудий ривожланишни режалаштиришнинг янги назариялари ва моделлари эволюциясини ўрганишнинг бир қанча турли усуллари мавжуд.

**Тадқиқот методологияси.** Ижтимоий-иктисодий ривожланишини баҳолашнинг замонавий ёндашувлари асосида Денов туманинг иктиносидий ривожланиши динамикаси ва даражасини сифат жиҳатидан баҳолаш.

**Таҳлил ва натижалар мұхокамаси.** Ҳудудларни нотекис ижтимоий-иктисодий ривожлантиришни эконометрик баҳолаш учун тадқиқотда Сурхондарё вилояти туманларидан энг яхши ривожланишга эга бўлган Денов туманинг аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулоти тақсимотининг 2006-2021 йиллардаги ижтимоий-иктисодий кўрсаткичларини танлаб ола-

миз. Бунда 1-сценарий бўйича туманнинг аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми –  $Y$  нинг ўзгаришига аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар –  $X_1$ , аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган истеъмол моллари –  $X_2$ , туман аҳолисининг зичлиги –  $X_3$  ҳамда пенсия ва ижтимоий нафақа олувчи шасларнинг ҳудудлар бўйича сони –  $X_4$  омиллари танлаб олинган. Дастреб ушбу танлаб олинган омилларнинг натижавий омилга ва ўзаро улар ўртасидаги корреляция коэффициентини аниқлаб оламиз (1-жадвал).

#### 1-жадвал

##### 1-сценарий бўйича Денов туманинг аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулоти тақсимотининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг корреляцион коэффициенти

|       | $Y$         | $X_1$      | $X_2$       | $X_3$   | $X_4$ |
|-------|-------------|------------|-------------|---------|-------|
| $Y$   | 1           |            |             |         |       |
| $X_1$ | 0,978137332 | 1          |             |         |       |
| $X_2$ | 0,9660157   | 0,63540155 | 1           |         |       |
| $X_3$ | 0,834107975 | 0,76285103 | 0,692966861 | 1       |       |
| $X_4$ | 0,968526871 | 0,72282796 | 0,737057138 | 0,75785 | 1     |

**Манба:** тадқиқотчининг муаллифлик ишланмаси.

Жадвал қийматларига эътибор қаратадиган бўлсақ, туманнинг аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми  $Y$ -омилига нисбатан аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар –  $X_1$ ( $r_{Y,X_1}=0,97814$ ), аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган истеъмол моллари –  $X_2$ ( $r_{Y,X_2}=0,96602$ ), туман аҳолисининг зичлиги –  $X_3$ ( $r_{Y,X_3}=0,8341$ ) ҳамда пенсия ва ижтимоий нафақа олувчи шасларнинг ҳудудлар бўйича сони –  $X_4$ ( $r_{Y,X_4}=0,96853$ ) кучли зичлиқда тўғри боғланган бўлиб, омиллар ўртасида

$r_{X_1,X_2}<0,8$  шартга кўра мультиколлинеарлик мавжуд эмаслиги кузатилаётган боғлиқлик ўртасида регрессия тенгламасини аниқлашни EViews дастури орқали давом эттириш мумкин. Тадқиқотда ҳудудларни нотекис ижтимоий-иктисодий ривожлантиришни эконометрик баҳолаш учун танлаб олинган омилларнинг ўлчов бирликлари турличалигидан омил кўрсаткичларини логарифмлаб, чизиқсиз тенгламани ҳосил қилиш билан бирга сифат мезонлари асосида текширилади (2-жадвал).

#### 2-жадвал

##### 1-сценарий бўйича Денов туманинг аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулоти тақсимоти ўзгаришининг кўп омилли регрессия тенгламаси

|                            |             |                       |             |
|----------------------------|-------------|-----------------------|-------------|
| Dependent Variable: LNY    |             |                       |             |
| Method: Least Squares      |             |                       |             |
| Date: 10/11/22 Time: 09:19 |             |                       |             |
| Sample: 2006 2021          |             |                       |             |
| Included observations: 16  |             |                       |             |
| Variable                   | Coefficient | Std. Error            | t-Statistic |
| LNX1                       | 0.068723    | 0.124546              | 0.551791    |
| LNX2                       | 1.333609    | 0.236779              | 5.632289    |
| LNX3                       | 0.228974    | 0.540774              | 0.423419    |
| LNX4                       | 0.980323    | 0.990898              | 0.989327    |
| C                          | -8.751598   | 2.471970              | -3.540334   |
| R-squared                  | 0.990433    | Mean dependent var    | 3.945804    |
| Adjusted R-squared         | 0.986954    | S.D. dependent var    | 1.011108    |
| S.E. of regression         | 0.115487    | Akaike info criterion | -1.229006   |
| Sum squared resid          | 0.146710    | Schwarz criterion     | -0.987572   |
| Log likelihood             | 14.83205    | Hannan–Quinn criter.  | -1.216643   |
| F-statistic                | 284.6974    | Durbin–Watson stat    | 2.198589    |
| Prob(F-statistic)          | 0.000000    |                       |             |


**Манба:** тадқиқотчининг муаллифлик ишланмаси.

Аниқланган натижаларга күра, берилған 2-жадвал маълумотларида көлтирилған коэффи-

$$ДТН = 0669ДТЧ1 + 163ДТЧ2 + 0623ДТЧ3 + 0698ДТЧ4 - 136635 \quad (1)$$

Аниқланган 1-регрессия тенгламаси параметрларининг  $t$ -Statistic мезонлари бўйича аҳамиятлилигига эътибор қаратадиган бўлсак,  $\alpha=0,05$  ва  $df=11$  бўлган ҳолда  $t_{\text{Жад}}=2,01$  га тенглигидан фақатгина аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган истеъмол моллари ( $t_{x2}=5.6323>t_{\text{Жад}}=2,01$ ) аҳамиятли бўлиб, қолган параметрларнинг

циентлар қийматларидан келиб чиққан ҳолда қуидаги тенглама ҳосил қилинади:



**1-расм. 1-регрессия параметрларининг ретроспектив сифат мезонлари натижаси**

1-расмда келтирилган маълумотларга асосан таъкидлаш мумкинки,  $MAPE=1,896$  бўлиб, бу, ўз навбатида,  $MAPE=1,896 < 10\%$  прогноз аниқлиги юқори ва  $TIC=0,012 < 1$  прогноз аниқлиги қанчалик юқори бўлса, коэффициент шунчалик нолга интилишидан 1-регрессия тенгламаси параметрларининг барчаси аҳамиятлилиги келиб чиқади. Математика қоидаларига асосан ва ҳисоб-китоб жараёнларини осонлаштириш ҳамда натижалар аниқлигига эришиш учун юқорида ҳосил қилинган 1-регрессия тенглами-си потенцирлаб олинади ва унга қўра қўйидаги тенглама ҳосил қилинади:

$$Y = \frac{X1^{0.69} * X2^{1.3} * X3^{0.23} * X4^{0.98}}{\rho^{13.635}} \quad (1^*)$$

Ҳосил қилинган 1\*-регрессия тенгламаси-  
нинг ҳақиқатан аҳамиятлиларини  $\alpha=0,05$  ва  
 $k_1=11$ ;  $k_2=4$  бўлганда,  $F_{\text{Жад}}=0,297913$  га тенгли-  
гини эътиборга олган ҳолда, ҳисобланган Фишер  
қиймати  $F_{\text{хис}}=284,7$  тенглигидан  $F_{\text{Жад}} < F_{\text{хис}}$  шартга  
биноан 1\*-регрессия тенгламасининг аҳа-  
миятлилиги ҳамда  $DW=2,199$  тенг бўлганлиги  
боис, автокорреляция мавжуд эмаслигидан

аҳамиятлилигини ретроспектив сифат мезонлари MAPE (Mean Absolute Percentage Error – ўртача мутлақ фоиз хатоси) ва TIC (Tayl inequality coefficient – Тейл прогноз аниқларининг мұқобил ўлчови) билан текшириш талаб этилади (1-расм).

тенгламанинг ишончли ва адекватлиги келиб чиқади.

Аниқланган 1\*-регрессия тенгламасыга иқтисодий изоҳ берадиган бўлсак, унга кўра ҳозирги кунда аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ва аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган истеъмол молларини минг сўмга оширишга эришилса, аҳоли жон бошига ЯҲМ ҳажмини қўшимча мос равишда 340,4 сўм ва 267,3 сўмга ошириш мумкинлиги аниқланди. Бу эса ўз навбатида, Денов туманига хорижий инвестицияларни жалб қилиш чоратадбирларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш лозимлигини келтириб чиқаради.

Шунингдек, туман аҳолисининг зичлиги бир фоизга оширилса, аҳоли жон бошига ЯҲМ ҳажмининг қўшимча 3,2 минг сўмга, пенсия ва ижтимоий нафақа оловчи шасларнинг худудлар бўйича сонининг 1 нафарга ошиши эса 1,3 минг сўмга ошириш мумкинлиги аниқланди. Аммо шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда пенсия ва ижтимоий нафақа оловчи шасларнинг худудлар бўйича сонини ошириш аҳоли ўртасида боқимандаликни оширишга олиб келиши натижасида охир-оқибат камбағаллик даражаси кўпайишига ҳам олиб келади.

Энди Сурхондарё вилояти Денов туманинг 2-сценарий бўйича туманининг аҳоли жон бошига ялпи худудий маҳсолот ҳажми – Y нинг ўзгаришига таъсир этувчи туман аҳолисининг бандлик даражаси – X1, аҳолининг иқтисодий фаоллик даражаси – X2, худудлар бўйича пенсионерларга тайинланган ўртacha ойлик пенсия

миқдори – X3 ҳамда худудлар кесимида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари (дехқон фермер хўжаликларисиз) сони – X4 омиллар танлаб олинган. Бунинг учун, авваламбор, натижавий омилга нисбатан омиллар тўғри танланганлигини корреляция коэффициентини аниқлаш орқали текшириб оламиз (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### 2-сценарий бўйича Денов туманининг аҳоли жон бошига ялпи худудий маҳсолоти тақсимотининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг корреляцион коэффициенти

|    | Y           | X1          | X2          | X3      | X4 |
|----|-------------|-------------|-------------|---------|----|
| Y  | 1           |             |             |         |    |
| X1 | 0,847019759 | 1           |             |         |    |
| X2 | 0,933029095 | 0,718296204 | 1           |         |    |
| X3 | 0,983076772 | 0,669540668 | 0,758791927 | 1       |    |
| X4 | 0,989842368 | 0,731239829 | 0,626995083 | 0,77333 | 1  |

**Манба:** тадқиқотчининг муаллифлик ишланмаси.

Жадвал қийматларига эътибор қаратадиган бўлсак, натижавий Y – омилига нисбатан туман аҳолисининг бандлик даражаси – X1( $r_{Y,X1}=0,84702$ ), аҳолининг иқтисодий фаоллик даражаси – X2( $r_{Y,X2}=0,93303$ ), худудлар бўйича пенсионерларга тайинланган ўртacha ойлик пенсия миқдори – X3( $r_{Y,X3}=0,98308$ ) ҳамда худудлар кесимида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони – X4( $r_{Y,X4}=0,98984$ ) кучли зичликда тўғри боғланган.

Бу, ўз навбатида, ушбу танланган омилларнинг оширилиши туманинг аҳоли жон бошига ялпи худудий маҳсолот ҳажмининг ошишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, омиллар ўртасида  $r_{x1,x2}<0,8$  шартга кўра мультиколлинеарлик мавжуд эмаслигидан кузатилаётган боғлиқлик ўртасида регрессия тенгламасини аниқлашни EViews дастури орқали давом эттириш мумкин (4-жадвал).

### 4-жадвал

#### 2-сценарий бўйича Денов туманининг аҳоли жон бошига ялпи худудий маҳсолоти тақсимоти ўзгаришининг кўп омилли регрессия тенгламаси

|                            |             |                       |             |        |
|----------------------------|-------------|-----------------------|-------------|--------|
| Dependent Variable: LNY    |             |                       |             |        |
| Method: Least Squares      |             |                       |             |        |
| Date: 10/11/22 Time: 09:38 |             |                       |             |        |
| Sample: 2006 2021          |             |                       |             |        |
| Included observations: 16  |             |                       |             |        |
|                            |             |                       |             |        |
| Variable                   | Coefficient | Std. Error            | t-Statistic | Prob.  |
| LNX1                       | 22.21876    | 6.745785              | 3.293726    | 0.0072 |
| LNX2                       | 3.919294    | 3.122031              | 1.255367    | 0.2354 |
| LNX3                       | 0.497716    | 0.573414              | 0.867987    | 0.4039 |
| LNX4                       | 0.139485    | 0.624836              | 0.223235    | 0.8274 |
| C                          | -113.0872   | 31.25952              | -3.617688   | 0.0040 |
|                            |             |                       |             |        |
| R-squared                  | 0.983993    | Mean dependent var    | 3.977054    |        |
| Adjusted R-squared         | 0.978172    | S.D. dependent var    | 0.979441    |        |
| S.E. of regression         | 0.144705    | Akaike info criterion | -0.777927   |        |
| Sum squared resid          | 0.230336    | Schwarz criterion     | -0.536493   |        |
| Log likelihood             | 11.22341    | Hannan–Quinn criter.  | -0.765563   |        |
| F-statistic                | 169.0481    | Durbin–Watson stat    | 1.953507    |        |
| Prob(F-statistic)          | 0.000000    |                       |             |        |


Аниқланган натижаларга кўра берилган 4-жадвал маълумотларида келтирилган коэффи-

циентлар қийматларидан келиб чиқсан ҳолда қуидаги тенглама ҳосил қилинади:

$$\ln Y = 2.2, 2 \ln X_1 + 3, 92 \ln X_2 + 0, 5 \ln X_3 + 0, 149 \ln X_4 - 113, 0875 \quad (2)$$

Аниқланган 2-регрессия тенгламаси параметрларининг t-Statistic мезонлари бўйича аҳамиятлилигига эътибор қаратадиган бўлсак,  $\alpha=0,05$  ва  $df=11$  бўлган ҳолда  $t_{\text{Жад}}=2,01$  га тенглигидан фақатгина туман аҳолисининг бандлик

даражаси ( $t_{X_1}=3,293726 > t_{\text{Жад}}=2,01$ ) аҳамиятли бўлиб, қолган параметрларнинг аҳамиятлилиги ни ретроспектив сифат мезонлари MAPE ва TIC билан текшириш талаб этилади (2-расм).



**2-расм. 2-регрессия параметрларининг ретроспектив сифат мезонлари натижаси**

**Манба:** тадқиқотчанинг муаллифлик ишланмаси.

2-расмда келтирилган аниқланган натижаларга кўра, MAPE=2,462 бўлиб, бу MAPE=2,462 <10 % ва TIC=0,015<1 шартларнинг бажарилганинидан прогноз аниқлиги юқори ҳамда 2-регрессия тенгламаси параметрларининг барчаси аҳамиятлилиги келиб чиқади. Энди математика қоидаларига асосан ҳосил қилинган 2-регрессия тенгламасини потенцирлаб, қуидаги тенглама ҳосил қилинади:

$$Y = \frac{X_1^{22.2} * X_2^{3.923} * X_3^{0.5} * X_4^{0.149}}{e^{113.0875}} \quad (2^*)$$

Ҳосил қилинган 2\*-регрессия тенгламасининг ҳақиқатан аҳамиятлилигини  $\alpha=0,05$  ва  $k_1=11$ ;  $k_2=4$  бўлганда,  $F_{\text{Жад}}=0,297913$  га тенглигини эътиборга олган ҳолда ҳисобланган Фишер қиймати  $F_{\text{хис}}=169,1$  тенглигидан  $F_{\text{Жад}} < F_{\text{хис}}$  шартга биноан 2\*-регрессия тенгламасининг аҳамиятлилиги ҳамда DW=1,954 тенг бўлганлиги боис автокорреляция мавжуд эмаслигидан тенгламанинг ишончли ва адекватлиги келиб чиқади.

Берилган статистик маълумотлардан фойдаланиб, аниқланган 2\*-регрессия тенгламасига иқтисодий изоҳ берадиган бўлсак, ҳозирги кунда туман аҳолисининг бандлик даражаси ва иқтисодий фаоллик даражасининг 1,0 фоизга

оширилиши Денов тумани аҳолиси жон бошига ялпи худудий маҳсулот ҳажмининг мос равища 57,4 минг сўм ва 18,1 минг сўмга қўшимча ошишига олиб келиши мумкин.

Агар худуд бўйича пенсионерларга тайинланган ўртача ойлик пенсия миқдорининг минг сўмга ошиши туман аҳолиси жон бошига ялпи худудий маҳсулот ҳажмининг 0,1 минг сўмга ва худудлар кесимида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сонининг 1 нафарга оширилиши 0,02 минг сўмга қўшимча ошириш имкони мавжудлиги аниқланди. Ушбу натижаларни умумлаштирадиган бўлсак, Денов туманида тенгиззиликнинг олдини олиш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш, туман аҳолисининг бандлик даражасини таъминлаш ва аҳоли ўртасида иқтисодий фаоллик даражасини оширишга қаратилган рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадга мувоғиқ.

**Хуласа ва таклифлар.** Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини баҳолаш ёндашувларини ўрганиш худудлар ривожланишини холисона қиёсий баҳолаш мақсадида уларнинг иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичларини тизимли ўрганиш ва тўлиқ таҳлил қилиш етарли эмаслигини кўрсатди. Тадқиқотда келтирилган фикр-мулоҳазалар ушбу соҳадаги кейинги

тадқиқотларга мавжуд ёндашувларни тас-  
нифлаш ва тизимлаштириш усулларига ҳамда  
турли хил ёндашувларни бирлаштиришнинг  
мумкин бўлган йўналишларига асос бўлиб хиз-  
мат қиласди.

Тадқиқот доирасида потенциал манфаат-  
дор томонларнинг манфаатлари ва мақсадлари  
билин чамбарчас боғлиқ ҳолда ижтимоий-икти-  
содий ривожланишни баҳолашда:

1. Ҳар қандай ижтимоий-иктиносидий жа-  
раён ва ҳодисаларни, шу жумладан, ҳудуднинг  
нотекис ижтимоий-иктиносидий ривожланишини

баҳолашга ёндашувларни ишлаб чиқишида ман-  
фаатдор томонларнинг потенциал фойдаланув-  
чи ва баҳолаш натижаларининг амалдаги мижоз-  
лари сифатидаги эҳтиёжлари устуворлик  
берилиши керак.

2. Ҳудуднинг динамикаси ва ривожланиш  
даражасини сифат жиҳатидан баҳолаш замона-  
вий воқеликда лойиҳавий ёндашувларни фаол  
ривожлантириш доирасида ҳудуд иқтисодиёти-  
ни ривожлантиришнинг асосий самарали бошқа-  
руви бўлиши керак.

#### **Манба ва фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

1. Басовский Л.Е. Прогнозирование и планирование в условиях рынка. Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 1999. – 260 с.
2. Қаюмов А.А., Назарова Х.М, Эгамбердиев Ф.Т., Якубов Ў.Ш. Минтақавий иқтисодиёт. – Т.: Университет, 2004. –102 б.
3. Леонтьев В.В. Межотраслевая экономика. – М.,1997. – 315 с.
4. Isard W. Interregional and Regional Input-Output Analysis: A Model of a Space-Economy. The MIT Press, Cambridge. 1951. <https://doi.org/10.2307/1926459>
5. *Louis Lefebvre Allocation in Space: Production, Transport, and Industrial Location Contributions to economic analysis (Выпуск 14)*, ISSN 0573-8555 North-Holland Publishing Company, 1958, p. 151.
6. Tjalling C. Koopmans and Martin Beckmann Assignment Problems and the Location of Economic Activities. *Econometrica* Vol. 25, No. 1 (Jan., 1957), pp. 53-76 (24 pages).
7. Hotelling H. Stability in competition. // *Economic Journal*. 1929, 39, 41-57.
8. Tinbergen J. Development Planning. Weidenfeld and Nicolson, London. 1967.
9. Aganbegyan A.G., Bagrinovski K.A. and Granberg A.G. Systema Modelei dlya Plantronaniya Narodnogo Khozyaistva (A System of National Economic Planning Models). Mys!, Moscow. 1972.